ЯНГИ ЙИЛ—ЯНГИ ЗАФАРЛАР ЙИЛИ БЎЛСИН!

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

15 ЙИЛ ЧИҚИШИ

№ 2 (3740)

3 ЯНВАРЬ
ЧОРШАНБА
1968 ЙИЛ

Баҳоси 2 тийин.

ГЎЗАЛ КЕЛАЖАГИМИЗ УЧУН

1967 йил билан хайрлашдик. 1968 йил — янги йилимиз бошланди. Ўтган йил—зафарларга, буюк воқеаларга бой, унутилмас йил, коммунистик қурилишнинг олтин саҳифаларида янги зарварақлар очилган йил бўлиб, тарихда абадий қолади. Ўтган йил — Советлар Ватанининг ярим асрлик туйи, Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллиги тантана қилинган, ҳар бир совет кишисига янги бахт-саодат ва қувноқ ҳаёт келтирган йил бўлиб қалбимизда абадий сақланади.

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети совет халқига янги йил арафасида табрик ва қутлов юбориб, 1967 йилдаги қаҳрамонона ишларимизга юксак баҳо бердилар. Халқимизни янги йилнинг улкан ва янги вазифаларига чорладилар. «Совет давлатининг ярим асрлик юбилейи,— дейилади Янги йил қутловида, — социализм буюк ғалабаларининг, коммунизм идеалларини амалга ошириш йўлидаги умумхалқ шижоати сўнмас улуғворлигининг ёрқин намойиши бўлди. Кураш ва ғалабаларимизнинг шонли якунлари совет кишиларида ўз қудратли социалистик Ватани учун фахрланиш ҳиссларини туғдирмоқда.

Ўтган юбилей йили халқ хўжалиги ва маданиятнинг ҳамма тармоқларида янги катта муваффақиятлар келтирди. Кўп миллатли Советлар мамлакатининг меҳнаткашлари бузилмас қардошларча бирликни мустаҳкамлаб, манфаатлар ва мақсадларнинг муштараклиги туфайли жипслашиб, КПСС XXIII съезднинг қарорларини муваффақиятли равишда амалга оширмоқдалар...».

Ўтган юбилей йилида шонли ишчиларимиз, колхозчи-деҳқонлар ва интеллигенциямиз улкан яратувчилик ишларини амалга ошириб, коммунизмнинг моддий-техника базасини вужудга келтиришда олға томон забардаст одим ташладилар. Илимизнинг якунлари, саноат, қишлоқ хўжалиги ва маданий қурилиш соҳасида эришилган ажойиб муваффақиятлар, совет халқи ҳаётида юз берган ўзгаришлар бунинг ёрқин ифодасидир. Саноат ишлаб чиқариши муддатидан илгари бажарилди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ етказиб берилди. Уй-жой, капитал қурилиш, маданий-маиший бинолар қурилиши кенг ҳажмларда олиб борилди. Меҳнат жараёнида вужудга келаётган нарсаларнинг ҳаммаси — заводлар ва электр станциялар, далалардаги мўл ҳосил ва қудратли космик кемалар, янги уй-жой районлари, шаҳарлар ва мактаблар совет халқи ижодий меҳнатининг самарасидир.

1968 йил — беш йилликнинг учинчи йили бошланди. Бу йил ҳар бир ишчи, колхозчи ва интеллигент олдига, қишлоқ хўжалиги, саноат ва маданиятимиз олдига янада юксак вазифалар қўяди. Халқ хўжалигининг барча тармоқларини юксак даражада ривожлантиришимиз, коммунизмнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш учун ғайрат ва шижоат билан ишлашимиз лозим. Илғор саноат корхоналарининг ходимлари, қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари ажойиб ташаббус бошлаб бердилар. Улар беш йилликни муддатидан илгари бажариш- улуғ доҳимиз Владимир Ильич Ленин туғилган куннинг 100 йиллигини муносиб кутиб олиш юзасидан ўз зиммаларига юксак социалистик мажбуриятлар олдилар. Областимизнинг ишчилари, қишлоқ меҳнаткашлари бу ташаббусни қизғин қўллаб-қувватлаб, маъқуллидилар. Ҳозир ҳамма ерда умумхалқ ҳаракати — миллионларнинг ватанпарварлик ташаббуси — социалистик мусобақа қизғин тус олди. Совет давлатининг ярим асрлик юбилейини муносиб нишонлаган қаҳрамон халқимиз беш йилликнинг учинчи йили вазифаларини ҳам тўла ва муддатидан олдин адо этиш юзасидан амалий тадбирлар белгиламоқдалар, янги марраларни мўлжалламоқдалар.

Янги йилдан бошлаб халқимизнинг турмуш даражаси бирмунча тез суръатлар билан ўса боради. Январь ойидан бошлаб партия ва ҳукуматимиз белгилаган тадбирларга мувофиқ халқ фаровонлигини бундан сўнг ошириш соҳасидаги тадбирлар амалий равишда турмушга татбиқ этилади. Партиямизнинг Улуғ Октябрнинг 50 йиллигига бағишланган ҳужжатларида кўрсатилганидек, миллий даромадни бундан сўнг ошираориш йўли билан меҳнаткашларнинг иш ҳақи ошаборади, халқ истеъмоли буюмлари ишлаб чиқариш кўпаяди, уй-жой ва маданий-маиший қурилишлар катта ҳажмда олиб борилади. Бу тадбирлар эса ҳар бир совет оиласининг турмуши ва ҳаётини янада яхшилашга қаратилгандир.

Ўтган 1967 йилда областимизнинг саноат, қурилиш-транспорт, алоқа ходимлари йиллик топшириқни муддатидан илгари бажардилар. Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилларга нисбатан ошди. Меҳнат унумдорлиги планда белгиланганидан анча ортиқ бўлди. Янги объектлар ишга туширилди. Маҳсулот таннархини камайтиришда ҳам яхши кўрсаткичларга эришилди. Лекин барча корхоналарнинг кўрсаткичлари бир хил бўлмади. Йиллик планларини бажармаган корхона ва коллективлар ҳам бор. Баъзи фабрика ва заводларда ички имкониятлар ва резервлардан етарли фойдаланилмади.

Областимиз қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари, айниқса пахтакорларимиз ўтган йили ҳалол ва фидокорона ишладилар. Она-Ватанга пландагидан ташқари кўп миқдорда «оқ олтин», сабзавот маҳсулотлари, гўшт, сут, каноп, пилла, дон, шоли ва бошқа хил маҳсулотлар етказиб берилганлиги азамат колхозчиларимиз, совхоз ишчилари ва механизаторлар шижоати-ғайрати ва ажойиб ишларининг қувончли якунларидир. Пахтачиликни комплекс механизациялаш ва йиғим-терим ишларини қисқа муддатларда ўтказиш соҳасида Тошкент пахтакорлари кўрсатаётган ажойиб ишлар ҳаммага намунадир. Сўнгги бир-икки йил ичида ҳосилдорликнинг 26,4 процентга кўтарилганлиги, айрим хўжаликларда пахтанинг 80 — 90 процентга яқини машиналарда терилганлиги қувончли ҳолдир. 1968 йилда пахтачилик соҳасида олдимизда яна ҳам катта вазифалар турибди.

Партиямиз Марказий Комитети дон, шоли ва сабзавот етиштиришни янада кўпайтиришга алоҳида эътибор бермоқда. Яқинда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, республика Министрлар Совети шоли етиштиришни ривожлантириш юзасидан махсус қарор қабул қилдилар. Бу қарорда шоликорликда механизациядан ва минерал ўғитлардан фойдаланиш алоҳида таъкидланади. Колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари, район партия, совет ва хўжалик ташкилотлари дон етиштиришни кўпайтириш соҳасида барча тадбирларни кўришлари лозим.

Ҳар бир янги йил бизни орзу қилган мақсадимиз — коммунизмга яқинлаштираберади. Биз Октябрнинг зафарли йўлидан оғишмай бораверамиз. Энг тўғри компас — марксизм-ленинизм таълимоти бизнинг қўлимизда, Ленин партияси бизнинг синалган дарғамиз. 1968 йил тинчлик ва коммунизм тантанаси йўлида халқимиз янги меҳнат ғалабаларига эришадиган йил, социалистик Ватанимизнинг янги равнақи, гўзал келажагимиз, бахтли ва қувноқ ҳаётимиз учун кураш, ижод, яратувчилик йили бўлсин!

ПАХТА ҲАМ, ЛУБ ҲАМ МЎЛ БЎЛАДИ

Хўжалигимиз коллективи Улуғ Октябрнинг 50 йиллиги шарафига олган барча мажбуриятларини муваффақиятли адо этди. Пахтачилик соҳасида эришган ютуқларимиз айниқса қувончли бўлди. 402 гектар пахта майдонидан 1110 тонна ўрнига 1470 тонна «оқ олтин» йиғиштириб олдик. Хўжалигимиз лубкорлари ҳам унумли меҳнат қилишди. Етиштирилган каноп ҳосили гектар бошига ўрта ҳисобда 180,6 центнерданга тўғри келди. Лубкорларимиз юбилей йилида яхши ишлаганликлари учун пландагидан 4 минг тонна кўп ҳосил йиғиштириб олдилар.

Хўжалигимизда пахтачилик ва канопчиликдан ташқари бошқа турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришга ҳам катта аҳамият бердик. Шоли ва полиз экинларидан олинган ҳосил мўлжалдагидан анча кўп бўлди.

Ўтган йили беш йилликнинг биринчи йилига нисбатан 500 минг сўм кўп даромад қилдик. Хўжалигимиз аъзолари беш йилликнинг учинчи йилида бундан ҳам кўпроқ даромад қилиш, барча қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлигини кескин ошириш учун астойдил ҳаракат қилишади.

И. ПАК.

Оққўрғон районидаги «Ленинград» колхозининг раиси.

ҚАҲРАМОН УЧАСТКАСИДА

Киров номли колхоз деҳқонлари янги йилни ажойиб меҳнат ғалабалари билан нутиб олдилар. Пахта тайёрлаш юзасидан олинган социалистик мажбуриятни ошириб бажарилди. Давлатга гўшт, сут ва бошқа чорвачилик маҳсулотлари сотиш юзасидан белгиланган топшириқлар ҳам ортиғи билан адо этилди. Кўпгина звеноларда гектар бошига ҳосилдорлик бир йилнинг ўзида беш-олти центнерга кўпайди.

Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ленин мукофотчининг лауреати, СССР Олий Советининг депутати Турсуной Охунова бошлиқ участка деҳқонларининг иши айниқса қувончли бўлди. 83 гектар ернинг ҳар гектаридан 38 центнердан хирмон кўтарилиб, пахта тайёрлаш плани 140 процент қилиб адо этилди. Сервер Бекиров, Сери Умиров ўртоқлар бошчилик қилган комплекс механизациялашган звеноларда ҳар гектарига 28 ўрнига 36—38 центнердан хирмон кўтарилди.

Участка аъзолари янги йилда янги режалар тузмоқдалар.

М. ҒОЗИЕВ,

Янгийўл райони.

УЛЬТРАТОВУШ ҚУЛ КЕЛДИ

ТОШКЕНТ. Каноп фабрикасида биринчи марта ультратовуш луб экиндари толаларини юмшатадиган эмульсия тайёрлай бошлади. Илгари бу ишни корхонада механик қоғичлар бажарар эди. Бироқ бу қоғичлар ёрдамида тайёрланган қоришма бир хил бўлиб, унинг таркибидаги ёғ моддаси бугланиб кетар, эмульсияни 90 градусгача қизитишга тўғри келар эди. Бу эса толанинг пишиқлигига таъсир этар эди. Ультратовуш тайёрлаган қоришманинг сифати жуда яхши.

(ЎзТАГ).

КУБА ХАЛҚИГА ТАБРИКЛАР

Л. И. Брежнев, Н. В. Подгорний, А. Н. Косигин ўртоқлар Фидель Кастро Рус ва Освальдо Дортикос Торрадо ўртоқларга телеграмма юбориб, унда Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Совети ва Совет халқи номидан Куба Коммунистик партияси Марказий Комитетини, Куба Республикаси революцион ҳукуматини, Куба халқини Куба революцияси ғалабасининг тўққиз йиллиги, шунингдек янги йил муносабати билан самимий табрикладилар.

Телеграммада айтиладики, ўз мамлакатларида социалистик ва коммунистик жамият қуриш учун Совет халқи ва Куба халқи олиб бораётган кураш СССР билан Куба Республикаси ўртасида, ҳар икки мамлакат партиялари ва ҳукуматлари ўртасида қардошларча дўстлик ва ҳар томонлама ҳамкорликнинг мустаҳкам негизидир. Совет Иттифоқи билан Куба ўртасидаги муносабатлар марксизм-ленинизм принциплари асосида ривожланиб бориши, ҳар икки мамлакат халқларининг бахт-саодати учун, жаҳоннинг турли районларида агрессив империалистик ҳаракатларга қатъий зарба бериш учун, АҚШ империализмининг Социалистик Кубага нисбатан қилаётган кирдикорлари пайини қирқиш учун социалистик ҳамдўстлик ва барча революцион кучлар бирлигини мустаҳкамлаш тўғрисида Совет Иттифоқи бундан буён ҳам бутун чоралар билан ғамхўрлик қилаверади.

Совет раҳбарлари иқтисодий ва маданий қурилишда, ўз революцион ғалабаларини ҳимоя қилишда қардош Куба халқига янги муваффақиятлар тиладилар. (ТАСС).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИГА САЙЛОВ ЎТКАЗУВЧИ ОКРУГ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ АХБОРОТИ

Ўзбекистон ССР Олий Советига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссияси 1967 йил 29 декабрда 88-Қибрай сайлов округидан депутатликка номзод қилиб **Нурмат Киргизбоевни** рўйхатга олди. Нурмат Киргизбоев 1922 йилда туғилган, КПСС аъзоси. Ўзбекистон КП Оржоникидзе район комитетининг биринчи секретари. Оржоникидзе район Матқобулов номли қишлоқ Советига қарашли «Қизил Ўзбекистон» колхози аъзоларининг умумий йиғилишидан кўрсатилди.

ОКРУГ САЙЛОВ КОМИССИЯСИ.

БИЗНИНГ ҲИССАМИЗ

Комбинат коллективи қатори совхозимиз ишчиларининг ҳам вазифаси гоят муқаддас ва шарафли. Бу вазифа — аҳолини мўл-кўл мева ва сабзавот маҳсулотлари билан таъминлашдан иборат. Биз ўз зиммамизга юклатилган бу вазифанинг уддасидан чиқиб, меҳнаткашлар дастурхонини турли ноз-неъматлар билан безаш ишига ўз ҳиссамизни қўшаётганлигимиз билан фахрланамиз.

Совхозимиз 832 гектар, шу жумладан 537 гектар ҳосилга кирган мевазор боғларга эга. Бундай катта майдондаги боғлардан мўл ҳосил етиштириш осон гап эмас. Бироқ, меҳнатсевар боғбонларимиз, тажрибали мутахассисларимиз қўлни-қўлга бериб, аҳиллик билан меҳнат қилдилар. Боғ қатор ораларига сифатли ишлов бериш, дарахтларни буташ ва бошқа тадбирлар агротехника муддатларида ўтказилди.

Меҳнатимиз зое кетмади. Совхозимиз мева етиштириш бўйича юбилей йили планини 122,4 процент қилиб адо этди. Меҳнаткашлар дастурхонига пландаги 1831 тонна ўрнига 2135 тонна олма, шафтоли, беҳи, олча, олхўри ва бошқа мевалар етказиб берди.

Илгор бригадалар эришган ютуқлар бундан ҳам қувонарлидир. Эргаш Ҳасанов — совхозимизнинг моҳир соҳибкори. Совхоз дирекцияси ва партия ташкилоти унга боғдорчилик бригадасини ишониб топширишган. Ташаббускор, янгиликка ўч ва ташкилотчилик қобилиятига эга бўлган Э. Ҳасанов бошлиқ бригада боғбонлари юбилей йилида 89 гектар боғдан давлатга пландаги 347 тонна ўрнига 500 тонна мева етказиб бериб, планни 144 процент адо этдилар.

Шунингдек, коммунист Азиза Эшонова бошлиқ бригада ҳам юбилей йилини планни 178,7 процент бажариш билан якунлади. Бригада соҳибкорлари планлаги 210 тонна ўрнига 377 тонна мева тайёрлашди, ҳар гектар боғдан 70 центнердан ошириб ҳосил йиғиб олишди.

Сабзавот етиштиришни кўпайтиришга жиддий эътибор берямиз. Ўтган хўжалик йилида аҳолига 788 тонна ёки планда мўлжалланганидан 90 тонна кўп сабзавот етказиб бердик. Қ. Содиқназаров, А. Эшонова, Р. Мирзамуродов, Қ. Масаидов ўртоқлар бошлиқ бригада ва звеноларда сабзавотдан айниқса мўл ҳосил етиштирилди. Бу бригада ва звеноларнинг сабзавотқорлари йиллик планларини 170—210 процент бажаришди.

Юбилей йилида Д. Бадалов бошлиқ звено нарядсиз усулда ишлади. Звеньода 7 ишчи бўлиб, уларга 7 гектар ер бириктилди. Звено ишчиларига ҳар ойда 77 сўмдан, звено бошлиғига эса 90 сўмдан қатъий маош белгиланди. Янгича усулда ишлаган сабзавотқорлар экиндардан мўл ҳосил етиштирдилар. Улар гектаридан пландаги 250 центнер ўрнига 360 центнердан баклажон ва 50 центнер ўрнига 67 центнердан болдиринг ҳосили йиғиштириб олишди. Бу шуни кўрсатадики, звено аъзолари ўз меҳнатлари эвазига мўл-жалдагидан анча кўп даромад олдилар.

Шундай қилиб, совхозимиз коллективи Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллиги ишонланган қутлуғ йилни муваффақиятли якунлашди. Бу бизнинг кучимизга куч қўшмоқда, янги-янги зафарлар сари руҳлантирмоқда. Яқинда матбуотда Хоразм область қишлоқ хўжалиги ходимларининг беш йиллик планини муддатидан илгари бажариш ва дохиймиз В. И. Ленин туғилган куннинг юз йиллигини муносиб кутиб олиш юзасидан социалистик мажбуриятлари эълон қилиниди. Улар қимматли ташаббус билан майдонга чиқишибди. Совхозимиз ишчилари хоразмликлар ташаббусини зўр мамнуният билан кутиб олиб, уни кенг муҳокама қилмоқдалар. «Хоразмликлар ташаббусига якдиллик билан қўшиламиз, беш йиллик планни муддатидан илгари бажарамиз ва дохиймиз В. И. Ленин туғилган куннинг юз йиллигини муносиб кутиб оламиз!», — совхозимиз соҳибкорларининг аҳди шундай.

Аҳолига қишда ҳам мўл сабзавот етказиб бериш — муҳим иш. Биз қиш фаслида аҳолига Тошкент бинокорларига етказиб бериш учун 90 ромда пиёз, 140 ромда редиска, 35 ромда петрушка, 80 ромда укроп етиштирамиз. Ҳозир парник чуқурларига ромларини тайёрлаш қизғин бораяпти. Совхоз дирекцияси парник хўжалигини тажрибали сабзавотқорлар билан мустаҳкамлади.

Жўра ОДИЛОВ,

У. Юсупов номли комбинатга қарашли «Янгийўл» совхозининг директори.

БОТИГУЛ СЕВГИЛИСИ

(ЛАВҲА)

ҚИЗ от дукурини эшитиб ўгирилди. Йигитнинг пешанаси узра силкинаётган сочига кўзи тушди. Қора тўриқ яқинларида бўйнини чўзиб шиддат билан келарди. Холбой от ёлига маҳкам ёпишиб олган, кўзлари шодлик ва ҳаяжондан чақнар эди. Кўз очиб юмгунча қизнинг ёнидан гуриллаганча ўтиб кетди. Холбой отни тўхтатолмай қолган эди. Кейин асов отни жиловидан тортиб, табассум билан ўнга бурилда гавдасини эпчиллик билан отдан олиб, вазминлик билан:

— Сизни бу ерда учратаман деб сира кутмагандим! — деди қизариб.

Ботигул йигитнинг ёниб турган чеҳрасига, хумор кўзларига ўйланиб боқаркан, то совчиларга розилик бергунга қўйдириб юрганкезларини эслади. Ҳар куни учрашиб турадиган қиз совчилар келгандан кейин негадир Қорақуш қишлоғи кўчаларида, сой бўйларида камдан-кам кўринадиган бўлиб қолди. Ҳозир қайлиги «кўнга тушган» эди.

— Қани, мингашинг, — деди Холбой шўхлик билан.

— Тушингизни суғга айтинг! — қиз унга азоб беришни яхши кўрарди.

«Қандай мағрур, олов йигит-а», деб ғурурланди у кўнглида. Қорақуш билан гузар ўртасидаги кўприкни сув олиб кетган, Ботигул гузар томонидан келаётганди.

— Бошқа иложингиз йўқ, қани, имилламанг, — Холбой тегишиб севгилисининг қўлидан ушлади.

— Вой, анувлани. Боринг-е.

— Бўлмаса учиб ўтмоқчимисиз? — Қиз бир жозиба билан қаради. Йигитнинг юрагида нимадир ёниб кетди. Охири Холбой уни сойдан ўтказиб қўйди.

— Жуда ёмон бўп кетибсиз! — қиз хўмрайгандек ўгирилиб олди.

— Шу қишда тўйимиз, — деди Холбой юзини яқин келтириб.

Ботигул бирам шаддод бўлса ҳам бошини ерга эгиб қолди...

Йиллар ўтса ҳамки, ўша оловли дақиқаларни иккаласи бот-бот эслаб кулишади.

— Эсингдами, тўйимиз шунақа қалин қор ёққан куни бўлган эди. Бир неча кундан кейин янги йилни кутиб олгандик.

— Эсимда, ҳаммаси эсимда, — табассум билан қараб Ботигул. — Бутун мукофот олибсиз, эшитдим.

Биринчи мукофот! Ботигул эрига завқ билан боқиб турарди. Унинг юзлари ял-ял ёнарди. Кейин бирдан кулиб юборди.

— Ҳа, нега куласан? — сўради Холбой қизиқиб.

— Дастлаб ишхонангизга борганимда...

— Бўлди, бўлди, дарров юзимга солмоқчимисан?

Воқеа бундай бўлган эди. Аваллари Холбой 4-қурилиш бошқармасига қарашли участкаларда ишлаб юрарди. Лекин кўнгилдаги иш эмасди бу. Уйлари яқинидаги фабрикада ишлашни орзу қилар, аммо у ердаги жараёнлар сирли туюлгани учун чўчиб юрарди. Чўчигани рост чиқди. Ишга кирган куни руда майдалаш цехига юборишди. Цех бошлиғи Мирза Маҳмудов ишлаб чиқариш жараёнлари билан таништираркан, Холбой баҳайбат ускуналарга ҳайрат билан боқар, нақ шипда қран бошқараётган кишиларнинг юрагига тасанно ўқирди. Бригадир Ф. Ахтямов янги металлург билан таништаркан, соғлом, бақувват йигитнинг юраги дов бермаётганини сезиб:

— Яхшилаб ўйлаб кўринг, йигит, чавандозлик эмас бу, — деб юборди негадир. Бригадир мулойим, гамхўр киши бўлса ҳам янги келган ишчига доимо шундай дер, тўғрироғи уни синаб кўрарди. Ахир, кийинчиликка бардош беролмаганлар ҳам кўп бўлган-да! Бу гап Холбойга тегиб кетди. У бир амаллаб кунни кеч қилди-ю, уйига қайтди. Ботигул унинг қайфияти бузуқлигини пайқади-ю, кўнглини кўтармоқчи бўлди:

— Ишларингиз «беш»ми, дадаси?

—Эртага қурилишга кетаман, ўшандан қолмайин, — деб жавоб берди у. «Энди нима бўлади, — деб ўйлаб қолди Ботигул, — буни маҳалла-кўй эшитса уятга қоламиз-ку. Унда Холбойим нима деган одам бўлади». Бир-икки гапириб кўрди, бўлмади. Холбой гапида туриб олди. Ботигул узоқ ўйланди. Қалбини нимадир тирнарди.

Эрталаб Холбой апил-тапил чой ичди-ю, индамасдан чиқиб кетди. Ботигул унинг қаёққа кетаётганини сўрашга ийманди. У тобора безовталанарди. Ниҳоят, уй ишларини тугатиб, тушга яқин йўлга чиқди. Цехгача қандай етиб келганини билмайди. Аввалига ўзи ҳам улкан агрегат ва моторларга бақиб ҳайратланиб қолди. Цех баҳайбат шалоладек гувиллар, тошлар гичирларди. Руда майдаланмоқда эди. У ҳаёлга чўмиб қолибди.

— Кимни қидириб юрибсиз? — ёлкасига қўлини ташлаб қичқирди таниш овоз. Ялт ўгирилди, Холбой! Ботигулнинг қувончдан кўзлари чақнаб кетди.

— Кўйглим сезувди, — деди у оҳиста. Рафиқасига тўлиб-тошиб сўзларкан, Холбой катта коллективнинг ишончли аъзосидек ҳис этарди ўзини.

Энди ишс бойитиш фабрикасида Холбой Тоғаевнинг таниқлилиги ким бор? У ёш ишчиларнинг пири. Қалмоққир карьеридан пешма-пеш келаётган рудани унга ўхшаш ўнлаб оловқалб металлурглар қудратли агрегатлар воситасида майдалаб беришади. Бу рудалардан кўплаб мис ва бошқа қимматбаҳо рангли металлар олинмоқда. Холбойнинг Ф. Ахтямов, В. Коротеньков, А. Гайдуков сингари ўз касбининг устаси бўлиб етишишида дўстлари кўмагидан ташқари Ботигулнинг ҳам ҳиссаси бордир. Оловкорлик касбини танлашга эҳтимол Ботигул ҳам сабабчи бўлгандир. Ботигул... Бахти гул...

Ҳ. ИКРОМОВ,
Олмалиқ.

Беш йиллиқнинг учинчи йили бошланди. В. И. Ленин номидаги Ўзбекистон металлургия заводининг ўртоқ Юнус Юсупов бошлиқ бригадаси металлурглари янги йилнинг дастлабки кунларидаёқ қувонарли ютуқларни қўлга киритишга харакат қилмоқдалар. Қ. Розиқов фотоси. (ЎзТАГ).

РЕДАКЦИЯГА ХАТ

ҲАР ТУКИСДА...

Ҳурматли редакция! Ҳаммамизга маълумки, Оржоникидзе районидаги Қибрай посёлкаси ўзининг ҳусн-жамоли, боғ-роғлари билан не-не кишиларни ўзига мафтун этмаган. Лекин ҳар тўқисда бир айб дегандаридек, «Қизил Ўзбекистон» колхозидаги Тўртқўрғон маҳалласи кўчалари қишда лой, ёзда чанг бўлиб ана шу ҳусига доғ бўлиб турибди.

Дарҳақиқат, маҳалламиздан колхоз марказигача бўлган йўлни тузатишга ҳечким эътибор бермай келади. Айниқса қиш кунлари бу йўлдан пиёдалар ν ёқда турсин, машиналар юриши ҳам амри-маҳол. Бунинг устига кўздан нари, кўнгилдан нари деганларидек участкамиз колхоз раҳбарлари эътиборидан анча йироқ бўлганлиги учунми чироқ масаласи ҳам яхши эмас. Чироғимиз кун ботди дегунча худди чала қизарган помидордек милтиллаб қолади. Шунинг учун биз газета ўқишдан, радио эшитиш, телевизор томоша қилишдан маҳрумиз.

Колхоз правлениеси раҳбарлари маҳалла кўчасининг аҳволидан, чироғининг мужмаллигидан хабарлари бор. Ҳар йили «кўчангизга албатта шагал ётқизиб берамиз» деб ваъда беришади-ю, лекин ваъда ваъдалигича қолавереди.

Маҳалла аъзолари номидан
У. ИСҲОҚОВ.

„Тошкент“ сейсмик станцияси реконструкция қилинди

Ўзбекистон пойтахтида «ер ости об-ҳавоси»ни кузатувчи муҳим пост — «Тошкент» марказий сейсмик станцияси энг янги сезгир асбоблар ва автоматик қурилмалар билан таъминланди. Станция коллективи станцияни реконструкция қилиш ишларини тамомлади. Мазкур хабар автори автомат билан «суҳбат» қилиб, станциянинг автоматлаштирлиш даражаси қанчалик эканлигини пайқаб олди. Бунинг учун бош пультдаги кнопкалардан бирини босиб, сейсмостанция бошлиғи В. И. Уломовнинг «чексиз» магнит плёнкасига ёзиб олинган ҳикоясини эшитдим. Станция ва уни реконструкция қилиш тўғрисидаги барча зарур маълумотлар ана шу лентага ёзиб қўйилган эди.

Эндиликда ер ости силкинишлари рўй бергудек бўлса, унинг кучи ҳақида шаҳар аҳолисининг бетўхтов телефон қилишларига жавоб бериш станциядаги навбатчиларнинг кўп вақтини олмайди. Бу ишни ҳам автомат бажариб, тез орада у телефон тармоғига уланади.

Аммо станциянинг энг катта янгилиги албатта унинг бош пультидир. Станцияда ўрнатилган барча аппаратлардан келган, шунингдек аппаратлар айрим узелларининг ишдан чиққанлиги тўғрисида маълумотлар энди мана шу пультга келиб туради. Шундай ҳодиса рўй бергудек бўлса, бузилган жой тўғрисида автомат равишда сигнал ёқилиб, бу тўғрида хабар қилади Ҳозирги вақтда станцияда сейсмик ҳодисаларни қайд этмоқ учун одатдагича фотоқоғозга, кинолентага, иссиқлик ва электрографик қоғозга қайд этишдан ташқари, магнит плёнкага ёзишдан ҳам кенг фойдаланиш кўзда тутилмоқда. Бунинг учун узлуксиз ёзадиган махсус автоматик қурилмалар бунёдга келтирилди.

Станция оладиган сезгир датчиклар фақат ер юзидагина эмас, шу билан бирга, унинг қаърига ҳам жойлаштирилди. Бунинг учун махсус қудуқлар қазиб қўйилди. Бу қудуқлардан бирининг чуқурлиги 500 метрга боради. Бу қудуқ геофон асбобини ўрнатиш учун мўлжалланган бўлиб, унинг ёрдамида «ер бағрининг овози» ёзиб борилади.

Станция реконструкция қилингач, унинг аппаратларини бошқариш ва кузатиб туриш анча енгиллашди. Станциянинг кўпгина автоматик қурилмаларини вужудга келтирган бош инженери В. Катренко унинг иккинчи бор бунёдга келишида озмунча ҳисса қўшмади. Бош пульт ва кўп миқдорда турли аппаратлар бош инженернинг раҳбарлигида монтаж қилинди.

А. ЕРШОВ,
ЎзТАГ мухбири.

Дунё хабарлари

МАМЛАКАТЛАР ● ОДАМЛАР ● ВОҚЕАЛАР

ВЬЕТНАМ ХАЛҚИНИНГ ҲАҚҚОНИЙ ИШИ ТАНТАНА ҚИЛАДИ

Осиё ва Африка мамлакатлари бирдамлиги Совет Комитети ҳамда Вьетнамни қувватловчи Совет Комитети Африка-Осиё бирдамлиги ҳаракатининг барча миллий ташкилотларига ва Вьетнамни қувватлаш комитетларига қарата мурожаат чиқардилар. Улар шу ташкилотларни ҳамда барча тинчликсевар ва демократик кучларни Америка агрессиясига қарши оммавий порозилик кампаниясини тағин ҳам кенг авж олдиришга, Вьетнам ватанпарварларига ёрдам учун маблағ тўпланши кўпайтиришга, агрессорларга қўшин ва қурол-ярог ортиб бериш йўлига тош солишга чақирдилар.

Мурожаатда айтиладики, АҚШнинг Вьетнамдаги агрессияси ялпи тинчлик учун энг катта хавф бўлиб турибди.

Осиё ва Африка мамлакатлари бирдамлиги Совет Комитети ҳамда Вьетнамни қувватловчи Совет Комитети Африка-Осиё бирдамлиги ҳаракатининг барча миллий ташкилотларига ва Вьетнамни қувватлаш комитетларига қарата мурожаат чиқардилар. Улар шу ташкилотларни ҳамда барча тинчликсевар ва демократик кучларни Америка агрессиясига қарши оммавий порозилик кампаниясини тағин ҳам кенг авж олдиришга, Вьетнам ватанпарварларига ёрдам учун маблағ тўпланши кўпайтиришга, агрессорларга қўшин ва қурол-ярог ортиб бериш йўлига тош солишга чақирдилар.

Мурожаатда айтиладики, АҚШнинг Вьетнамдаги агрессияси ялпи тинчлик учун энг катта хавф бўлиб турибди.

Вьетнам Демократик Республикасига қарши қилинаётган бомбардимонларни ва бошқа уруш ҳаракатларини дарҳол тўхтатиш тўғрисида Вьетнам Демократик Республикасини кенг халқаро жамоатчилик қўллаб-қувватлаган одилона талабини дейилади мурожаатда АҚШ ҳукумати масъулиятсизлик билан рад қилди.

Осиё ва Африка мамлакатлари бирдамлиги Совет Комитети билан Вьетнамни қувватловчи Совет Комитети яна бир марта эслатиб ўтадиларки, Совет кишилари қардош Вьетнам халқининг агрессияни „даф қилиш учун зарур бўлган мадад ва ҳар томонлама ёрдамнинг ҳаммасини унга бериб келмоқдалар ва бундан буён ҳам бераверадилар. (ТАСС).

БОЛГАРИЯ. Толбухин округининг Шабла қишлоғи яқинида Бокудан келган совет мутахассисларининг ёрдами билан республикада биринчи Қора денгиз тубидан нефть қазиб чиқариш учун эстакада қурилмоқда. Суратда: бокулик инженер Гусеин Абасов (ўнгда) ва болгариялик мутахассислар қурилишда. БТА—ТАСС фотоси.

П. Лошонцининг янги йил нутқи

БУДАПЕШТ. 1 январь. (ТАСС). Венгрия Халқ Республикаси Президиумининг раиси Пал Лошонци бугун радио ва телевидение орқали венгер халқини табриклаб сўзлаган нутқида айтдики, Венгрия Халқ Республикасида 1967 йил меҳнат йили бўлди, тағин ҳам катта ишларга тайёргарлик йили бўлди. Венгер халқи ўз бурчини шараф билан бажарди. Биз, деди П. Лошонци, ўзимиздаги ижтимоий тузум негизларини мустаҳкамлаб олдик ва янги йилда тағин ҳам юксак даражада ишлашни давом эттирамиз.

Негизимиз яхши бўлганлиги сабабли улуғ мақсадимизга — социализмни узил-кесил қуриб олишга тағин ҳам кўпроқ яқинлаша оламиз.

Биз мамлакат ичида ўз бурчларимизни бажаришдан ташқари, деди Пал Лошонци, олдимизда бошқа катта мақсад ҳам турибди. Яъни биз тинчлик учун курашни янада кучайтиришимиз ва тараққиёт кучлари билан тағин ҳам яхшироқ ҳамкорлик қилишимиз керак.

ҲАВО ҚАРОҚЧИЛАРИ УРИБ ТУШИРИЛДИ

ХАНОЙ. (ТАСС). ВИА агентлиги хабар беради, 29 декабрда Вьетнам Демократик Республикасининг осмонига бостириб кирган Америка самолётини Вьетнам халқ армиясининг жангчилари Куангбинь вилояти устида уриб туширидилар.

ПОРТУГАЛИЯ МУСТАМЛАКАЧИЛАРИНИНГ ТАЛАФОТИ

ДАКАР. (ТАСС). «Португалиянинг» деб аталмиш Гвинея Ватанпарварлари 19 декабрда Фарим дарёсида португалиялик жазоловчиларнинг ҳарбий катери ва транспорт кемасини сувга ғарқ қилиб юбордилар. Гвинея ва Яшил Бурун ороллари мустақиллиги Африка партиясининг бу ерда эълон қилинган ахборотида шундай дейилади: шу йил 3 декабрдан 19 декабргача Португалия солдат ва офицерларидан 100 киши ўлдирилди, 3 та ҳарбий юк машина портлатилди, жазолоачларнинг Мансабадаги мустаҳкамланган лагери деярли бутунлай вайрон қилинди.

ДЎСТЛИК МУСТАҲКАМЛАНА БЕРСИН

КОНАКРИ (ТАСС). Гвинея миллат мажлисининг раиси Леон Мака шундай деди: «ҳукумат, партия ва Африка демократик революцияси ёшлари совет халқи билан ва унинг ёшлари билан дўстлик ва ҳамкорликни ҳамиша мустаҳкамлай беради». Совет—Гвинея муносабатлари яхши ривожланмоқда ва ишонаманки бу муносабатлар бундан кейин ҳам мустаҳкамлана беради.

ЗАНЖИБАР АҲОЛИСИ

ЗАНЖИБАР. (ТАСС). Шу йил кузида аҳолини рўйхатга олган комиссия Занжибар аҳолиси 354.360 кишига етганлигини расмий суратда маълум қилди. 1957 йилда Занжибар аҳолиси 299.111 киши эди.

ОЗОДЛИК ОДИМИ

1 январда Судан халқи ўзининг миллий байрамини нишонлади Судан Арабистонининг шимоли-шарқидаги давлат бўлиб, қитъанинг энг йирик давлатларидан бири. Бу мамлакат маъмурий жиҳатдан 9 та вилоятга —Баҳр ул-Ғазол, Кўк Нил, Дарфур, Экваториал вилоят, Рассала, Ҳартум, Кордофан, Шимолий вилоят, Юқори Нил вилоятларига бўлинади. Территорияси 2506 минг квадрат километр, аҳолиси 13 миллион 540 минг кишини ташкил қилади. Аҳолисининг кўпчилиги араблар, жанубда эса генроид қабилалар (динка, нуэр ва ҳоказо) яшайди. Аҳолининг 30 процентга яқини кўчманчилик ва ярим-кўчманчиликда ҳаёт кечиради. Фақат 15 процентигина шаҳарларда яшайди.

Судан халқининг тарихи—озодлик, миллий мустақиллик учун босқинчиларга қарши кураш тарихидир. Эрксевар Судан халқи ажнабий босқинчиларга қарши узоқ йиллар давомида курашиб келди. 1898 йилда Англия-Миср армияси Судан территориясини босиб олди. 1899 йилдаги Англия-Миср шартномасига мувофиқ Судан шу икки мамлакат ўртасида идора қилиниши лозим бўлса-да, бироқ амалда Англиянинг мустамлакаси бўлиб қолди. Мустамлакачилар судан халқини шафқатсизларча эздилар. Мамлакат экономикаси издан чиқди. Саноат ва қишлоқ хўжалиги таназзулга юз тутди. Империалистлар ҳар хил қабилалар орасига нифоқ солиб, миллий адоватни кучайтирдилар. Мамлакатда очлик, қашшоқлик авжига чиқди. Аҳолининг эса 95 проценти саводсиз эди.

Аммо, эрксевар Судан халқининг иродаси букилмади. Мамлакатда империалистларга қарши халқнинг миллий-озодлик кураши кучая борди. Бу курашда, айниқса ишчилар синфи жонбозлик кўрсатди. 1956 йил 1 январда Судан халқи асосий орзусига эришди. Худди шу куни Судан Республикасининг миллий мустақиллиги эълон қилинди.

Миллий ҳукумат биринчи кунданоқ халқ ва давлат манфаатларини мос бўлган сиёсатни амалга ошира бошлади. Бироқ, бундай сиёсат империалистларга ёқмади. Улар ёш давлатни ҳарбий блокларга тортишга уриндилар. Ҳукумат тепасига келган собиқ «Алл-Умма» партиясининг раҳбари Абдулла Ҳалил 1958 йилда Америка «ёрдамини» олишга розилик берди. Шунингдек, бу ҳукумат барча социалистик мамлакатлар ва Миср билан иқтисодий алоқа қилишдан воз кечди. Бу сиёсатдан Судан жамоатчилиги норози бўлди. Мана шундай вазиятда Судан қуролли кучлар бош қўмондони Иброҳим Аббуд ҳокимиятни ўз қўлига олди ва янги ҳукумат тузди. Янги ҳукумат мамлакатда тинчлик ва бетарафлилик сиёсатини юргизажагини эълон қилди.

1959 йил 16 мартда Совет-Судан савдо шартномаси тузилди. Мазкур гувоҳларни терговга чақириб юборилган таклифномада айтиладики, Говард билан Холл АҚШ Марказий разведка бошқармаси раҳбарлигида Янги Орлеан яқинида қубалик контрреволюционерлардан диверсиячи группалар тайёрлашда қатнашганлар. Говард Ли Харви Освальд билан таниш бўлган (Уоррен комиссияси эса Освальдни президент Кеннединнинг бирдан-бир қотили, деган қарорга келган эди). Клей Шоуки судлов ишида тилга олинган Янги орлеанлик собиқ учувчи Дэвид Ферри ва Освальднинг қотили Жек Руби билан ҳам Говард таниш бўлган. Ўтган йил март ойида округ судди ва Янги Орлеаннинг катта жюриси Шоуни президентни ўлдириш мақсадида уюштирилган фитнада қатнашган деб айблаб, шу асосда унинг устидан суд ўтказмоқ учун етарли асослар бор, деган қарорга келган эди. Яна мазкур таклифномада айтиладики, Холл Жек Руби билан ва Дэвид Ферри билан, Бекман эса Освальд ва Ферри билан таниш бўлганлар.

Гаррисоннинг айтишича, Лоренцо Паскилло ва Скип Холл деган номлар билан ҳам юрган Лоран Холлни Даллас полицияси 1963 йилда бироз вақт қамаб ҳам қўйган эди.

ЮПИ агентлигининг хабарида айтилишича, Гаррисон бундай деган: «Асосий мақсад (янги гувоҳларни чакиришдан кузатилган мақсад.— РЕДАКЦИЯ) шуки, Америка тарихида биринчи марта давлат тўнтариши содир бўлганлигини, бу эса Қўшма Штатлар президентини пухта тузилган план асосида ўлдиришга олиб келганлигини очиб ташлашимиз керак».

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, Далласда суиқасд тайёрланаётганлигидан федерал тергов бюроси олдиндан хабардор бўлган деб Гаррисон эйблов ишларини бошлаб юборишы билан Янги Орлеаннинг округ прокурорини матбуотда қоралаш кампанияси ҳам кескин равишда активлаштириб юборилди. «Вашингтон пост» ва «Нью-Йорк Дейли Ньюс» газеталари 1950 йилнинг кузидан бошлаб, то 1955 йилнинг баҳорига қадар Гаррисон психиатр назорати остида турган эди, 1951 йилнинг октябрида ν ҳарбий хизматни ўташга яроқсиз, деб армиядан бўшатиб юборилган эди, деган мазмунда «Чикаго трибюн» газетасида чиққан хабарни кўчириб олиб, кўзга кўринарли жойда эълон қилди.

Жамоатчилик ташвишда

НЬЮ-ЙОРК. (ТАСС). АҚШнинг собиқ президенти Эйзенхауэр Вьетнам урушида душманни қўшни Лаос ва Камбоджа территорияларига бостириб кириб бўлса ҳам «кетма-кет қувиб бориш» керак деган мудҳиш таклифини Америка жамоатчилиги қораламоқда. Шундай таклиф қилинишига нималар сабаб бўлганлигини АҚШнинг Франциядаги собиқ элчиси, истеъфога чиққан генерал Жеймс Гэвин очиб ташлади. У янги йил арафасида телевидение орқали гапириб, Эйзенхауэрнинг фикрини Вашингтон амалга ошириши мумкинлиги сабабли ўзининг ташвишланаётганлигини айтди. «Биз ҳақиқатан шундай қилмоқчимиз», деди Гэвин.

У. Эйзенхауэрнинг шу тайёрланаётганлигидан айтишга тайёрланаётганлигидан «Оқ уй бехабар эди» деган гапга гумоним бор, деди. Яна бунинг устига Гэвин ҳатиб айтдики «бундай гаплар Пентагондаги бирор кимсанинг кўрсатмаси бўлмасдан туриб айтилганлигини «тасаввур қилолмайман».

АҚШнинг Вьетнамдаги сиёсатини неча марталаб танқид қилиб келаётган Жеймс Гэвин Эйзенхауэрнинг бу фикрини «ҳарбий, ахлоқий ва дипломатик жиҳатдан хато фикр» деди.

У. Қўшма Штатлар «Вьетнамдаги урушда галаба қилолмайди» деган ўзининг қатъий фикрини яна бир марта такрорлади.

ПРЕЗИДЕНТ КЕННЕДИНИ ЎЛДИРГАН КИМ?

НЬЮ-ЙОРК. (ТАСС). Янги Орлеаннинг округ прокурори Жим Гаррисон президент Кеннеди қандай ҳолатда ўлдирилганлигини текширишни давом эттириб, учта янги гувоҳни, яъни Кернвилдаги (Калифорния штати) Лоран Холлни, Омахидаги (Небрасса штати) Томас Бекманни ва Лос-Анжелосдаги Лоуренс Говардни терговга чақириб уларга таклифнома юборди.

ЮПИ агентлиги мухбирининг Янги Орлеандан берган хабарида айтилишича, Гаррисон мен терговга чақираётган гувоҳларда Кеннеди пухта тузилган план билан ўлдирилганлигини ва бу ўлдириш фитнанинг натижаси бўлганлигини тасдиқловчи маълумотлар бор, лекин улар шу маълумотларни яшириб келмоқдалар, деди.

Редактор Ш. ҲАКИМОВ.

ИЛҒОР ХЎЖАЛИКЛАР ТАЖРИБАСИДАН

ШОЛИ ЕТИШТИРИШНИ КЎПАЙТИРАЙЛИК

● Гектаридан 60 центнердан ● Шоликорликда механизация ва эрта экиш —мўл ҳосил гарови ● *Гербицидлар бегона ўт ва курмакни батамом йўқотади*

Суратда: колхозининг илғор шоликорлари. (Чапдан ўнгга) Ким Дю Кен, Шин Сун Кон, Ли Ден Чин, Ли Юн Сек. Улар бошлиқ звенолар ҳар гектар ердан 60 центнердан шоли етиштирганлар.

Ўрта Чирчиқ районидаги „Северный маяк“ колхозининг раиси Тимофей Андреевич ЭМ ҳикоя қилади

ДЕҲҚОН етиштирадиган маҳсулотларининг инсон учун зарурлигини ҳамма билади. Мен ўзбек оғайниларимиз билан кўп гаплашаман, тўйларида, суҳбатларида бўламан. Шунақа учрашувлардан бирида саксон ёшлардан ошган кекса колхозчи палов еб бўлингач ҳикоя қилиб қолди.

— Ибн Сино олдига рамоқда жон беморни олиб келибдилар. У касални ўбдон текшириб кўрибди. Кейин етти хил нарсадан иборат нарсани ёзиб, шуларни бир-бирига кўшиб пишириб ва тановул қиласиз дебди. Доно ҳакимнинг айтганлари ичида биринчиси гуруч, сабзи-пиёз, гўшт-ёғ, туз ва сув бор эди. Дори ҳаким айтгандек қилиб тайёрланганда, мана биз ҳозир еб бўлган таом-дори палов пайдо бўлибди...

— Ишқилиб, ўша касал тузалибдими? — Кимдир сўради.

— Гапирио келяпман-ку, — давом этди мўйсафид, — орадан уч-тўрт ҳафта ўтгач, бемор энди аравада эмас, ўзи юриб келибди, Ибн Синога таъзим бажо келтириб, ташаккур билдирибди.

Ҳа, гуручда инсон аъзолари учун жуда ҳам зарур бўлган биологик модда кўп. Биз одамларга шунчалик керакли маҳсулот етиштираётганимиз учун ҳеқсиз фахрланамиз ва бу йўлда ҳамиша ғайрат билан меҳнат қиламиз.

ҲОСИЛДОРЛИК — АСОСИЙ МАҚСАД

ХЎЖАЛИГИМИЗДА асосий тармоқ — пахтачилик. Бу соҳани йилдан-йилга ривожлантирмоқ — бизнинг шарафли ишимиз, ҳақиқий бурчимиз. Колхозимиз юбилей йилида пахта тайёрлаш юзасидан берилган социалистик мажбуриятни ҳам ошириб бажарди. Ҳосилнинг 85 процента машиналар билан териб олинди. Биз учун янгилик ҳисобланган лубкорликда ҳам мажбуриятларни ошириб ado этдик.

Пахтачилик хўжалигимизда асосий тармоқ деб, деҳқончиликнинг бошқа соҳаларига иккинчи масала, деб қараш нотўғри бўлар эди. Ҳамма тармоқ бир хилда ривожлантирилса, барчаси фойда келтирадиган бўлгандагина хўжалик экономикаси юксалади, қишлоқ меҳнаткашлари бой, фаровон ҳаёт кечирадилар.

Пахтачилик ривожланса-ю, шоличилик ёки чорвачилик оқсаб қолса, бу ҳол ўша ерларнинг ёмон ишлаётганлигини кўрсатади. Масалага шу нуқтаи назардан қараганда пахтакор колхозларда шароитга қараб шоли ҳосилдорлигини ошириш учун курашиши тўғрисидаги масаланинг муҳимлиги ҳаммамизга маълум.

Бизда шолипоялар майдонини кенгайтириш учун имконият йўқ. Бу экин маҳсулотларни кўпайтириш учун биз энг аввал ҳосилдорликни оширишга алоҳида эътибор бермоқдамиз. Илғор бригадаларимизнинг тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, ҳар гектардан олинадиган ҳосилни колхоз бўйича ҳозирги 60 центнер ўрнига 65-70 центнерга етказишимиз учун шарт-шароитлар бор. Масалан, Пак Са Ен бошлиқ бригада 1967 йилда гектаридан 63 центнердан шоли олди. Улар бунга қандай эришдилар? Аввало ер кузда сифатли шудгор қилиб қўйилди. Энг муҳими бу бригада аъзолари экишни эрта муддатда, апрелнинг ўз вақтида сифатли шудгор қилаётганимизни, ҳайдашдан олдин ерларга белгиланган миқдордаги маҳаллий ва минерал ўғитларни солаётганлигимизни айтиб берамиз.

Шоли уруғини сепиш ва уни ундириш жуда нозик иш. Бу вақтда экиннинг сувидан сал бўлса ҳам бехабар колсангиз уруғ текис унмайди. Ёш ниҳолнинг ривожланиши кўнгилдагидек бўлмайди. Шолипояларда ўз вақтида сифатли шудгор қилаётганимизни, ҳайдашдан олдин ерларга белгиланган миқдордаги маҳаллий ва минерал ўғитларни солаётганлигимизни айтиб берамиз.

Шоли уруғини сепиш ва уни ундириш жуда нозик иш. Бу вақтда экиннинг сувидан сал бўлса ҳам бехабар колсангиз уруғ текис унмайди. Ёш ниҳолнинг ривожланиши кўнгилдагидек бўлмайди. Шолипояларда ўтнинг ва курмакнинг ўсишига йўл қўймайдилар.

Мўл ҳосил етиштиришда яна асосий шартлардан бири шолини барвақт экишдир. Бизнинг тажрибамизга кўра май ойининг биринчи ҳафталари ичида экилган шолидан мўл ҳосил олиш мумкин. Агар апрель ойи охирларида экиб бўлинса, бундан ҳам яхшироқ кўрсаткичга эришиш турган гап. Кўпгина илғор звено ва бригадаларимиз экишни биринчи май байрамигача тугаллаётганликлари учун гектаридан 65 центнерга етказиб ҳосил олмоқдалар.

Очиғини айтиш керак, шоличиликни механизациялашга ҳозирга қадар унча эътибор берилмаяпти. Қариб ҳамма иш қўлда бажарилади. Бу эса шоликорнинг меҳнатини ниҳоятда қийин қилиб юбормоқда. Агар ҳеч бўлмаса ўриш-йиғим ишлари механизациялаштирилганда эди, ҳозиргига қараганда ишларимиз анча енгиллашган бўлар эди. Бу соҳада биз конструкторлик бюролари ходимларидан ва машинасозлик саноати коллективларидан мадад кутамиз. Улар бизга шолипояларни текислайдиган, карталаштирадиган, ҳосилимизни ўриб-йиғиб, янчиб берадиган янги машиналар ишлаб чиқаришларида эди, қўлда қилинаётган ишларнинг кўпи техника елкасига юкланиб, биринчидан маҳсулот таннархи кескин камайган ва шоликор меҳнати осонлашган бўлар эди. Олимларимиз, конструкторларимиз бунинг учун ҳамма имконятларга эгалар. Гап келганда шуни айтиш керакки, яқинигинада луб етиштирувчи хўжаликлар кўкпояни шиладиган янги машина ишлаб берилди. Биз ҳам 1967 йилда шу машинадан фойдаландик ва ишларимиз анча юришиб кетди. Шоличиликда ҳам ана шундай деҳқон меҳнатини енгиллаштирадиган машиналар бўлишини истардик.

Шоли етиштиришда ишлаётган колхозчиларга ҳақ тўлашни прогрессив усулларда ташкил этганмиз. Бу биринчидан, ҳосилдорликни оширишга, деҳқонларимизнинг моддий манфаатдорлигини яхшилашга олиб келди. Шунинг учун ҳам ҳар бир колхозчи ўзи ишлаётган майдонда шолидан йил сайин кўп ҳосил олиниб учун курашади. Биз шоликорларни пландан ташқари олган ҳосил юзасидан қўшимча устама мукофот тўлашни жорий этганмиз.

Бу колхозчиларга ҳам, колхозга ҳам маъқул тушмоқда. Эндиликда колхозчиларнинг моддий манфаатдорликлари биринчи ўринга қўйилгандан кейин ҳеч ким шолини талон-торож қилмайдиган бўлиб қолди. Далада етиштирилган ҳосилнинг планда кўрсатилган қисми колхоз омборига тушмоқда. Колхозчи эса планни бажаргани учун бир ҳақ, пландан ташқари етиштирган ҳосили учун қўшимча иккинчи ҳақ олмоқда.

Шоли ҳосилдорлигини кескин ошириш учун Қишлоқ хўжалик министрлиги, Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги, „Главсредазирсовхозстрой“, партия, совет ва қишлоқ хўжалик органлари шоли етиштиришнинг прогрессив усулларини кенг жорий қилишлари, алмашлаб экишни жорий этишга алоҳида аҳамият беришлари, ерларни сифатли текислаш, полларни йириклаштириш, ўсимликнинг нормал қалинликда бўлишини таъминлаш, ўғитлардан ҳамда гербицидлардан тўғри фойдаланишни таъминлашлари зарур.

(Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети қароридан).

МЕХНАТ ВА МЕХАНИЗАЦИЯ

ШОЛИКОР меҳнати қанақалигини биласиз. Уруғ экишдан тортиб, то ҳосил пишиб етилгунча сув ичида бўлади. У ҳамиша мўл ҳосил етиштириш учун қайғуради.

Биз баъзан мулоҳаза қиламиз, нима учун ҳозиргига қараганда шоли ҳосилини ошириш мумкин эмас. Агар бугунги қилаётган ҳаракатимизга караганда янада астойдилроқ харакат қилсак, шоли агротехникаси талаб қилган шартларни ўз вақтида сифатли адо этсак бундан ҳам юқорироқ кўрсаткичга эришиш мумкин.

Узоқ-яқиндан келган ўртоқлар кўпинча сизлар қандай қилиб гектаридан 50-60 центнердан, хатто ундан ҳам ошириб ҳосил оляпсизлар, деб сўрашади. Биз уларга юқоридаги гапимизни айтамиз. Яъни бундан ҳам тузукроқ ҳаракат киладиган бўлсак ҳозирги кўрсаткичимизга қараганда юқорироқ натижага эришишимиз мумкин эди, деймиз. Шу билан бирга дўстларимизга шолипояларни охири май ойининг биринчи кунларида тугалладилар. Экиннинг озиғига курмак ва бегона ўтларни шерик қилмадилар. Мавжуд агротехника тадбирлари белгиланган вақтда, сифатли амалга оширилди.

Мана, ҳисоб-китоб қилиб кўрайлик, биз 240-250 гектар ерда шоли етиштириб келамиз. 1000-1200 тонна ҳосил оламиз. Бордию ҳосилдорлик ҳозирги 60 центнер ўрнига 70 центнердан бўлса, (агар шоличилик тўла механизациялашса, бундан ҳам юқори кўрсаткичга эришиш мумкин) яна 200—250 центнер маҳсулот қўшилган бўлади.

Ҳосилдорликни оширишнинг яна муҳим омилларидан бири шолини эрта муддатларда экишдир. Бизнинг тажрибамиз шуни кўрсатмоқдаки, экиш май ойининг охирларига чўзилиб кетса, апрель ойи ичи экилган ерлардагига караганда анча кам ҳосил олинмоқда. Шу сабабли биз экишни 1 майгача тугаллашга алоҳида эътибор берамиз.

Бизнинг шароитда, яъни асосан пахтачилик билан шуғулланувчи хўжаликларда шолининг ялпи ҳосилини кўпайтиришда асосий резерв ҳосилдорликни оширишдир.

МЕХАНИЗАЦИЯЛАШНИНГ ЎСИШ ДАРАЖАСИ (ГЕКТАР ҲИСОБИДА)



Чуночи, Херсон областида 1961 йилга қадар бир неча ўн гектар ерга шоли экилган, холос. Олинган ҳосил ўша вақтда 15—20 центнердан ошмаган. 1967 йилга келиб шолипоялар майдони 7000 гектарга етказилган ва область бўйича гектаридан ўртача 60 центнердан ҳосил олинган. Баъзи хўжаликлар масалан, «Комсомольский» совхози гектаридан 70 центнердан ҳосил етиштиришга эришган.

Херсонлик шоликорларнинг бу соҳадаги режалари яна ҳам катта. Улар 1971 йилга бориб шолипояларни 100 минг гектарга етказишни мўлжалламоқдалар.

Энди, уларнинг иш тажрибаси тўғрисидаги гапларга қулоқ солинг.

Херсонлик шоликорлар ерни экишдан олдин ишлашга алоҳида эътибор берадилар. Бунинг учун зарур бўлган деҳқончилик шартлари агротехника қоидаларига тўла амал қилинган ҳолда ўз вақтида бажарилади. Баҳорда ер албатта чизилланади, айрим зичлашиб қолган майдонлар қайта ҳайдалади. Шундан кейин махсус грейдер ва бошқа текислаш механизмлари билан планлаштирилади ва галтаклар юргизилиб текисланиб чиқилади. Буларнинг ҳаммаси уруғнинг бир хил чуқурликка тушиши, сувнинг бир текисда босишида муҳим роль ўйнайди.

Шоли селкалар билан экилади. Уруғ тушган майдонларга шундан кейингина сув қўйилади.

Улар эришаётган ютуқнинг энг ибратли томони шундаки, херсонликлар шоличиликда энг кўп меҳнат талаб киладиган ўтоқдан мутлақо, холи бўлганлар. Бу вазифани химия бажаради. СТАМ Ф-39 ва Пропанид гербицидлари ишлатилаётгани учун шоли ичида ўт ва курмак қариб ўсмаётир.

Демак, бу соҳада жуда кўп одам кучи иқтисод қилиб қолинмоқда. Ундан кейинги сермеҳнат ишлардан ўрим-йиғим ҳам механизациялаштирилган. Бу соҳада улар ҳосил пишиб етилган майдонларда табақалаб ўришга алоҳида эътибор берадилар.

Механизациянинг кенг жорий этилиши натижасида, биринчидан, энг сермеҳнат ҳисобланган шоличилик юмушлари осонлашмоқда, иккинчидан, ҳосилдорлик кўтарилмоқда, учинчидан, таннарх жуда арзонлашмоқда, тўртинчидан шоликорларнинг моддий манфаатдорлиги яхшиланмоқда.

Механизациянинг жорий этилгани туфайли Херсон областида шолипояларда поллар яхлитлаштирилган. Масалан, бизда поллар бир-икки сотих бўлса, уларда 10-20 гектарли. Агар бизда бир кишига 1-1,2 гектар ердаги шолипояда ишлаш тўғри келса, уларда 40-50 гектар ерда бир киши ишлайди. Гербицид туфайли ўтоқ ўз-ўзидан йўқолгандан кейин, экишни ўрим-йиғимни механизация кучи билан бажарилгандан кейин иш шу зайлда осонлашади-да.

Ҳамма нарса мана шундан келиб чиқади. Биз ҳозирги пайтда бир центнер шоли етиштириш учун 29-30 сўм сарфлаяпмиз. Агар механизацияни кенг жорий қилолганимизда эди, таннарх кескин камайтирилган бўлар эди.

Буни херсонли шоликорлар иш тажрибасидан яққол билиб олса бўлади. Улар механизацияни кенг жорий этганларидан кейин бир центнер шолининг таннархи 3-10 сўм атрофида бўлган.

Колхоз правленнеси, партия ташкилоти ана шуларни ҳисобга олиб, шоличиликни қардош Украина шоликорлари сингари аста-секин механизациялаштиришга қарор қилди. 1968 йилда 50 гектар, 1969 йилда 90 гектар, 1970 йилда 100 гектар ерда планлаштириш, шоли экиш, ўриб-йиғиб янчиш техника кучи билан бажарилади.

Колхоз раиси Тимофей АНДРЕЕВИЧ ЭМ.

Звено бошлиғи КИМ ЕН СОН.

Н. Тўраев фотолари.

ҚАРДОШЛАР ТАЖРИБАСИ

КОЛХОЗ правленнеси, партия ташкилоти шоличиликни механизациялаш тўғрисида муҳокама юритганда бу мақсадга эришиш учун нимани зарур бўлса шуни амалга оширишга қарор қилдик. Шунақа муҳокамаларнинг бирида колхознинг бош агрономи Антон Васильевич Ни муҳим фикрни ўртага ташлади:

— Мен яқинда газетада ўқидим, Украинанинг Херсон областида шоличилик тўла механизациялаштирилибди. Тажриба ўрганиб келишга шу ёққа бир одам юборсак.

Правление ва партия ташкилоти бу таклифни маъқуллади. Херсон областига бош агрономнинг ўзи, «УЗРОС» уруғчилик бўлимининг агрономи А. Анорқулов ўртоқлар юборилди. Улар бир неча кун давомида украиналик шоликорлар тажрибасини ўрганиб қайтдилар.

Бориб келган ўртоқларнинг айтишича қараганда украиналик оғайнилар шоличилик билан биздан анча кейин шуғуллана бошлаганларига қарамай бу соҳани механизациялашга, шоличиликка химияни жорий этишга алоҳида эътибор берганлар. Бу йўлда мислсиз муваффақиятга эришганлар.

РЕЖАЛАРИМИЗ

БИЗ 1971 йилга бориб шоличиликдаги ишларнинг 80 процентини механизациялаштирмоқчимиз. Кўп йиллардан орзу қилиб келаётган бу мақсадга эришиш учун колхознинг қўлидан келадиган ҳамма тадбирлар амалга оширилади. Кадрларни ўқитиб, ўргатиб тайёрлаймиз. Ерларимизнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш учун зовурларни ўз вақтида тозалаб турамиз. Сувдан тежаб-тергаб фойдаланиш тадбирларини кўрамиз.

1968 йилда битта бригада ташкил этилиб унга 50 гектар ер ажратиб берилади. Ана шу майдонлардаги экишдан тортиб ҳосилни ўриб-йиғиб олгунча бўлган ишлар асосан механизация ёрдамида бажарилади.

Бунинг учун бизга ер текислайдиган, қазийдиган, планлаштирадиган, экадиган, ҳосилни ўрадиган, шоли қуритадиган катор машиналар зарур.

Шуни хурсандчилик билан айтиш керакки, колхозимизда шоличиликни механизациялаштириш юзасидан мутахассисларимиз иштирокида ишлаб чиқилган тадбирларни область партия комитети маъқуллади. Агар ҳаммамиз бу масалага жиддий эътибор берсак, биз ўйлаймиз шолининг ҳосилдорлиги ошади, республикамизда донни кўпайтиришдек муҳим топшириқни муваффақиятли адо этишга муносиб ҳисса қўшган бўламиз.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети, республика Министрлар Совети қарорида шоли ҳосилини кўпайтирганлиги учун қўшимча ҳақ тўлашга устама мукофот беришни жорий қилишнинг тавсия этилганлиги биз деҳқонларни ғоят қувонтириб юборди. Энг муҳими 1968 йил биринчи кварталидан бошлаб комплекс механизация, химизация ҳамда меҳнатни ташкил этишнинг илғор формалари негизида олиб боришни кенгайтириш тўғрисида қарорда таъкидланган фикр бизни хурсанд этди. Биз ишни шу қарорда кўрсатилганидек ташкил этиш учун астойдил курашамиз.

Қарорда айтилганидек, ҳар бир колхозчига натура ҳақи сифатида бир тоннадан шоли бериш, қўшимча ҳақнинг қолган қисмини уларга давлат харид нархлари асосида пул билан берилиши биз ўйлаймиз, деҳқонларни ғоят мамнун этади. Колхозимиз шоликорлари ана шу ғамхўрликка жавобан беш йилликнинг учинчи йилида янада зўр ғайрат билан меҳнат қиладилар ва областимизда шолининг ялпи ҳосилини кўпайтиришга муносиб ҳисса қўшиш учун курашадилар.

1968 йилда биз пахта, луб экинлари сингари шолидан ҳам мўл, арзон ҳосил етиштирамиз. Бунга механизацияга суянган ҳолда химиявий моддалардан кенг фойдаланиш йўли билан эришамиз.

Колхозимиз аъзолари деҳқончилик маҳсулотларини кўпайтириш учун тинмай курашадилар. Биз беш йилликнинг учинчи йилини меҳнатда янги муваффақиятларга эришган ҳолда кутиб олишга ҳаракат киламиз. В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигини муносиб нишонлаш юзасидан зиммамизга олинган ҳамма топшириқларни шараф билан адо этамиз.

Суратда сиз «Халқлар дўстлиги» обелискини ўрнатишда меҳнат қилган бир группа арман бинокорларини кўриб турибсиз.

Б. Мазур фотоси, ЎзТАГ фотохроникаси.

НАФОСАТ ТАРБИЯСИ

Киши гўзалликка ҳамма жойда дуч келади. Масалан, табиатнинг мўъжизакор ранг-баранг бўёқларида, меҳнат туфайли такомилга етган нарсаларда, муҳташам биноларда, санъатнинг турли хил асарларида, бадиий адабиётда, музикада, сурат ва ҳайкалларда, раққосалар ўйинида, кишиларнинг бир-бирига бўлган муносабатларида, уларнинг фикр-ўйлари, ишлари, ҳатти-ҳаракатларида, хуллас ҳаётимизнинг ҳамма соҳасида, ҳар қадамда гўзаллик кўз ўнгимизда намоён бўлади.

Гўзалликка интилиш киши ҳаётини мазмундор ва кўркам қилади. Лекин, гўзалликни англаб олиш, яхши билан ёмоннинг, хунук билан гўзалликнинг фарқига ета билиш лозим. Инсонга энг зарур бўлган бу хислат тарбия орқали камол топади.

Шунга кўра, коммунистик тарбиянинг энг муҳим ва нозик қирраларидан бири бўлган эстетик тарбияни болага ёшлигиданоқ сингдириб бориш лозим. Ёшларга эстетик тарбия бериш туфайли уларнинг ижодий фаолиятлари ўсиб боради, дид-фаросатлари камолотга етади.

Эстетик тарбия болаларга оилада, боғчада, мактабда ва ўқишдан ташқари олиб бориладиган тадбирлар воситаси билан сингдирилади. Бунда, шу нарсани унутмаслик керакки, дастлаб боғча ходимларининг ўзлари табиат гўзалликларини ҳис эта билишлари, ундан бадиий завқ олабилиш кўникмасига эга бўлишлари, бадиий адабиёт, санъат намуналарини яхши билишлари лозим.

Бола яшаётган жойларда доимо саранжомлик, озодалик ҳукмрон бўлса, у ёшлигидан бошлаб шу тартибга риоя қилишликка одатланиб боради. Бунинг учун болани ўз-ўзига хизмат этишга ўргатиш катта аҳамиятга эга.

Ўз-ўзига хизмат қилдириш осонлик билан бўлмайди, албатта. Дастлаб тарбиячи ёки айниқса ота-онанинг ўзлари шахсий намуна кўрсатиб, болани тақлид қилишга қўниктириб борилади. «Қуш уясида кўрганини қилади» деганимиздек, бола катта ёшдаги кишиларнинг сўзини, ҳаракатини ўзи ҳам қайтариб кўришга жуда қизиқади.

... Санобар опа эрталаб юз-қўлини ювиб бўлгач, ойна олдига келиб сочини таради. Кейин ясанушта қилиб, стол устини йиғиштиргач, ишга отланди. Кўчага чиқишдан аввал туфлисининг чангини артиб олди. Онасининг бу ҳаракатларини кузатиб юрган уч ёшли Нодира ҳам ҳар куни боғчага боришдан аввал ўзи ювиниб, артинишга, ойна олдига келиб сочларини тараш ва туфлисини артиб тозалашга одатланди.

Шундай қилиб, болалар катталарга тақлид қиладилар ва тезда намуна оладилар. Демак, болаларнинг эстетик дидларини ўстиришда теварак-атроф ва у ердаги кишилар катта роль ўйнайди.

Фақат уйдагина эмас, болалар боғча-яслиларида ҳам ёшларни эстетик руҳда тарбиялаш учун қулай шароитлар мавжуд. Шаҳримизнинг кўпгина болалар боғчаларида ёшларни эстетик руҳда тарбиялашга яхши эътибор берилган. 71, 200, 230, 241, 302-болалар боғча ва яслиларида бу иш намунали йўлга қўйилган.

Мисол учун 241-болалар боғчасини олайлик. Ёз ойларида боғча ҳовлисида бўлсангиз баҳри-дилингиз очилади. Ранг-баранг атиргуллар майин шабада тебраниб туради. Озода, салқин, боғ ўртасига қурилган айвончада дўмбоқчалар рангли бўёқлар ёрдамида расм солиш билан банд бўладилар.

Биз ёзда шу боғчада бўлдик. Тарбиячи секин-аста юриб болалар ишини кузатарди. Болалар рангли бўёқлардан тўғри фойдаланишга, озода ва чиройли ишлашга интилар эдилар. Ҳакимжон билан Малика «Бўғирсоқ» эртаги асосида Бўғирсоқ, Қуён, Айиқ, Бўри ва Тулки расмларини чизиб бўядилар. Озода, Ботиржон ва Ферузалар эса «Шолғом» эртаги асосида рангли бўёқлар билан персонажларни озода, чиройли қилиб қоғозга туширдилар.

Тарбиячи машғулот охирида болалар ишини якунлар экан, чиройли ишлаган болаларни рағбатлантирди ва келгуси машғулотларда бундан ҳам озода ишлашга ундади.

Музика машғулотларида ҳам эстетик тарбияга алоҳида аҳамият берилади. Болаларнинг музикага жўр бўлиб қўшиқларни моҳирона айтишлари, рақсга тушишлари, шеърларни образли айтишлари кишини завқлантиради.

Машғулотлардан ташқари, болаларнинг кундалик юриш-туришларида, овқатланишларида, ўйинларида ҳам эстетик тарбия яққол кўриниб туради. Болалар стол атрофида ўтириб овқатланар эканлар, маданий кўникма-одатларни унутмайдилар.

Тарбиячи уларнинг озода овқатланишларини талаб этиб, болаларда эстетик дидни ўстиришда рағбатлантириш методларидан ҳам фойдаланади. Овқатланаётган болалар столига гулдаста қўйиб қўядилар. Болалар эса, гулдастани қўлдан бермаслик учун яна ҳам тартибли овқатланишга ҳаракат қиладилар.

Боғчада болалар хайрлашиш, саломлашиш, раҳмат айтиш, кечирим сўраш каби маданий муносабатларга ҳам одатлантирилган. Шунингдек, болалар ўртасида дўстликни мустаҳкамлаш мақсадида уларнинг туғилган кунларини нишонлаш одат тусига кирган.

Боланинг туғилган куни ҳамма залга йиғилади. Улар музикага ҳамоҳанг бўлиб, рақсга тушадилар. Бу бахтли кун ҳақида шеърлар айтадилар. Ўзлари мустақил ишлаган чиройли расмларни туғилган куни нишонланаётган болага тақдим этадилар.

Бундан ташқари «Совет армияси» куни, «8 Март» байрами ҳам тантана билан нишонланади. Қизлар ўғил болаларни, ўғил болалар қизларни табриклайдилар.

Боғчада ота-оналар ўртасида ҳам бадиий тарбия бўйича ишлар олиб борилмоқда. Болани қандай кийинтириш, уйда унинг ўз кийимларига қандай муносабатда бўлиши лозимлиги тўғрисида ота-оналар учун лекциялар, суҳбатлар ўтказиб турилади.

Эстетик тарбия кишида гўзаллик ҳиссиётини уйғотади. Гўзаллик туйғуси ўз навбатида шахсни маънавий жиҳатдан бойитади.

Р. ИСЛОМОВА,
Ўзбекистон ССР Педагогика фанлари илмий-текшириш институтининг илмий ходими.

ТОШКЕНТ АҲОЛИСИ ЮЗ ЙИЛ ИЧИДА

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ҳузуридаги республика ишлаб чиқарувчи кучларни ўрганиш кенгашининг старший илмий ходими иқтисод фанлари кандидати Эгамберди Тошбеков сўнгги юз йил ичида Тошкент аҳолиси ҳақидаги маълумотларни тадқиқ қилишга киришди.

Олим ўтган асрнинг олтмишинчи йилларидан то шу кунгача Ўзбекистон пойтахти аҳолисининг ўсиши, ҳаракати, структурасини анализ қилди. Шу давр ичида Тошкент аҳолисининг сони 17 баравар кўпайди ва ҳозирги вақтда қариб бир миллион уч юз минг кишига етди. Тадқиқотчи шаҳарнинг меҳнат ресурслари ва улардан халқ хўжалигида фойдаланиш, пойтахт аҳолисини жойлаштириш ва уларга маданий-маиший хизмат кўрсатиш проблемаларига алоҳида эътибор берди.

Эгамберди Тошбеков бир қанча корхоналарни шаҳар ташқарисига кўчиришни тавсия қилади. Олимнинг фикрича, қишлоқ хўжалигига ва транспорт машиналарини ремонт қилувчи, шунингдек қишлоқ хўжалик машаёсини қайта ишловчи заводлар шаҳар ташқарисида бўлиши керак. Бу заводларни қишлоқ жойларда қуриш, улар асосида агросаноат бирлашмалари вужудга келтириш мақсадга мувофиқдир. Бундай тадбир Тошкент атрофидаги кичик ва ўртача шаҳарларнинг ривожланишига, маданиятининг ўсишига ва ана шу шаҳарлардан аҳолининг республика пойтахтига кўчиб келишининг камайишига ёрдам беради.

Экономист шаҳар транспорти ишини яхшилаш, ўртача малакали кадрлар тайёрлашни кўпайтириш юзасидан бир қанча тадбирларни таклиф қилади, Ўзбекистон пойтахтини қайта куриш муносабати билан ўз фикр ва мулоҳазаларини айтиб, шаҳар ички ҳаётини мунтазам равишда ёпасига ва танлаб олиб тадқиқ қилишнинг турли усулларини тавсия қилади.

Э. Тошбековнинг илмий изланишлари натижаларидан Тошкент шаҳар ижроия комитети, шаҳарнинг план ва лойиҳалаш ташкилотлари фойдаланадилар. (ЎзТАГ).

ЧЕТ ТИЛНИ ЎРГАНИШНИ ХОҲЛАЙСИЗМИ?

Тошкентдаги холис хизмат бюросининг штат рўйхатларида репертитор ва ўқитувчи деган янги мутахассисликлар ҳам пайдо бўлди.

Чет тилларни мустақил равишда ўрганишни истовчилар сони тинмай кўпайиб бормоқда. Репетиторлар бу ишда кўмак беришлари мумкин. Улар машғулотларни уйда ўтказишади. Группа бўлиб шуғулланишни хоҳловчилар учун иш жойларига ўқитувчилар юборилади. малакали мутахассислар чет тиллар институтига киришга тайёрланишларида ўрта мактабларни битириб чиқувчиларга ёрдам беришлари мумкин.

— Ҳозирнинг ўзидаёқ барча истовчиларни инглиз, француз, немис ва испан тили ўқитувчилари билан таъминлашимиз мумкин,—дейди чет тиллар группасининг старший методисти Л. М. Сурикова.—Магнитофон ёзувлари, чет эл адабиётн классикларнинг она тилларидаги нутқлари каби кўргазмали қуроллар ажратиб берилмоқда.

Холис хизмат бюроси хатлар, иш қоғозлари, газета, журнал мақолаларини жаҳонда энг кўп тарқалган тилларга таржима қилиб бериш билан ҳам шуғулланмоқда. (ЎзТАГ).

АЪЛОЧИ МАТБУОТ ХОДИМИ

Халқимиз газета ва журналларни эзозлайдилар, уни севиб ўқийдилар. Ҳаётимизнинг кундалик янгиликларидан ўз вақтида хабардор бўлиш уларда одат тусига кириб қолди. Хоҳ шаҳарда бўлсин, хоҳ қишлоқларда бўлсин газета ёки журнал олмайдиган хонадон қолмаган.

Ана шу газета ва журналларни ўз вақтида обуначига етказиб беришни алоқа ходимлари шарафли бурч деб билишади. Бу соҳада меҳнат қилаётган ажойиб алоқа ходимларини пойтахтимиз кўчаларида ҳам, областимизнинг районларида ҳам кўплаб учратиш мумкин.

Мана, улардан бири пойтахтимизнинг Ишчилар шаҳарчасидаги «Союзпечат»нинг 23-киоскасида меҳнат қилади. Файзи опанинг камтарин меҳнати Ўзбекистон ССР Алоқа министрлиги томонидан юксак баҳоланди. Унга «Аълочи матбуот ходими» значоги ва Фахрий ёрлиғ берилди. Тошкент шаҳар «Союзпечати» маъмурияти бир неча марта қимматбаҳо буюмлар ҳамда пул мукофотлари билан тақдирлади.

Ҳар бир соҳанинг ўз устаси бўлганидек Файзиопа ҳам ўз касбининг яхши мутахассиси. Дастлаб «Союзпечат»нинг бу киоскаси Ишчилар шаҳарчасидаги 2-троллейбусининг тўхташ жойи яқинида жойлашган бўлиб, Негадир бу ерда газета ва журналларни харид қилиш сust эди. Айрим қолларда бир неча нусха газеталар ўтмай қоларди.

Файзи опа «Союзпечать» раҳбарларидан бундай ҳолга чек қўйиш учун киоскани трамвай тўхташ жойига кўчиришни таклиф қилди. Унинг бу таклифи билан киоска кўчирилди. Натижада газета ва журналлар билан савдо қилиш илгаригига нисбатан деярлик 3 марта ошиб кетди.

Шу кунларда бу киоскада ҳар куни 200 та «Совет Ўзбекистони», 250 та «Правда Востока», 150 та «Тошкент ҳақиқати» ва бошқа газеталар сотилмоқда.

Файзи опа газетхонларнинг талабига қараб кўпинча қўшимча газета ва журналлар келтирилади. Опанинг ойлик квартал савдо планлари доимо 110—120 процентдан бўлади. Кам деганда ҳар куни бу киоскадан 1600—1800 газетхон ўзи қизиққан газетани сотиб олади.

Мана, 17 йилдирки, бу камтарин аёл Файзи опа Ҳўжаева ана шу киоскада меҳнат қилмоқда.

— Мен,—дейди Файзи опа,—газетхонлар талабини доимо ҳисобга олиб бораман, улар истаган газета ва журнал киоскада ўз вақтида бўлиши учун ҳаракат қиламан. Шунинг учун улар деярлик қўрқ қайтишмайди. Бизнинг касбда газетхон талабини ҳисобга олиш жуда катта роль ўйнайди. Мен доимо шуни ҳисобга оламан.

Файзи опага сиҳат-саломатлик, ишларида муваффақият тилаймиз.

А. МИРЗААҲМЕДОВ.

Суратда: Файзи опа Ҳўжаева.

СУД ЗАЛИДАН

ТЕКИНХЎР

Л. Марсанов исмли текинхўр бундан олти йил муқаддам «Анҳор» ресторанидан холодильник ўғирлаб, уч йил қамалиб келган эди. Лекин у, шунда ҳам тавбасига таянгани йўқ. Бу эгри қўл тер тўкиб, нонини ҳалоллаб ейиш ўрнига ўзгалар ҳисобига яшашни, ўғирлик қилишни давом эттираберди.

У, бир куни шум ният билан Чилонзордаги Савдо марказига кириб келади.

— Анави пальтонгизни кўрсатинг-чи, синглим, Л. Марсанов сотувчи олиб берган пальтони кийиб олгач, сотувчини чалғитади-да фурсатдан фойдаланиб, ўзини одамлар орасига олаётганида қўлга тушади. Чилонзор район халқ суди яқинда бу текинхўрни икки йил муддатга қамоқ жазосига ҳукм қилди. Ҳукм суд залида қатнашган кишилар томонидан қизғин маъқулланди.

Х. КАЗАКОВ,
суд маслаҳатчиси.

ЛИБОСЛАР ИЖОДКОРИ

Уни кунда эрталаб трамвайда учратиш мумкин. Ҳар куни янгитдан кўраётгандек кўчаларни диққат билан кузатади. Баъзан ҳаёлга берилиб, нигоҳи билан ер чизиб кетади. Руҳи-кайфияти шундайгина юзида акс этиб туради. Шу дақиқаларда илҳом билан шеър битаётган шоирага таққос қилиш мумкиндир уни.

Саперная майдонидаги янги муҳташам бино битгач, унинг йўли деярли ярмига қисқарди. Тошкент модалар уйи шу ерга жойлашди. Яхши шеър тез тилдан-тилга, дилдан-дилга ўтиб юзлаб кишиларнинг хотирасидан жой олиб, кайфиятини ҳушнуд қилгандек рассоммодельёр Анриса яратган янги замонавий либослар ҳам хотин-қизларимиз орасида тез урф бўлади. А. Латипова қаерда бўлмасин: кино, театрдами, кўчада ёки меҳмондорчиликдами, кишилар эгнидаги кийимларнинг тикилишига, уларнинг ёши билан бу кийимнинг мос келган, келмаганига, ярашган-ярашмаганига эътибор разм солади. Кийимни ҳуснига ҳусн қўшганларни кўриб севинади, бачкана кийимни эсб билганларга танбеҳ бергиси келади. Кези келганда аста маслаҳат беради ҳам. Ўзи яратган либосни ўхшатиб кийиб юрган қизларни, келинларни кўрганида дили яйраб кетади.

Ахир бу либоснинг бичиғи-тикувини яратгунича у қанча изланган.

Бир куни эрталаб Анриса ишга ҳаяжонланиб келди.

— Буни қаранглар, дугоналар, илгари мана шунақа бичиқдаги кийимлар урф бўлган экан, — у сумкасидан узун-узун лентасимон юпқа қоғозларни чиқариб стол устига ёйиб қўйди.

— Вой, вой булар мунча рўдапо, шунчаям бичиғи бекиг, — ҳайратланишди модельёр дугоналари.

— Санъатшунослик институтига борган эдим. Ҳозирги яратаётган замонавий либосларимизда ўзбек миллий анъаналарини сақлаш мақсадида, ўтмишда хотин-қизларимиз қандай кийинган билан қизиқдим. Булар бундан бир неча аср илгариги либослардан намуна, — жавоб берди модельёр Анриса Латипова.

Анриса Латипова ўзи яратаётган либосларга озодлик ва бахтиёрлик — замондоши тақдирининг ёрқин муҳрини босишга ҳаракат қилади. Улар қулай ва гўзал. У аксарият ўзбек миллий кийимлари устида ишлайди. Чорак асрга яқин иш фаолияти даврида у бунёд этган либосларнинг саноғига етиб бўлмайди.

Илгари хотин-қизлар учун фақат бир хил бичиқда миллий кўйлак тикиларди. Энди бўлса Анриса Латипова каби ижодкорлар изланиши, меҳнати натижасида уларнинг тури жуда кўпайди. Атлас, товар, бекасам, шойилардан тикилаётган миллий гўзал кўйлакларимиз бири-бирига ўхшамайди.

Иттифоқ ва халқаро кўргазмаларда ҳам Тошкент модалар уйи ижодкорлари яратган миллий либосларга қизиқиш зўр. Булар ичида Анриса Латипова яратган миллий либослар алоҳида ажралиб туради. Москва, Таллин, Рига, Лейпциг, Монреаль... Тошкент модалар уйи ўз ижодий маҳсулини кўз-кўз қилган шаҳарлар ва мамлакатларнинг саноғи кўп. Бу кўргазмалар Тошкент шуҳратини оширади, ўзбек халқининг қувноқ ҳаёти ва тақдиридан ҳикоя қилади.

Анриса Латипова бир пайтлар оддий тикувчи эди. Энди у модельёр-либослар ижодкори. Бу ўсиш кўп йилларни талаб қилди. Йиллар эса шуҳрат ва ҳурмат келтирди. У шахримизнинг таниқли аёлларидан бири. Бутуниттифоқ халқ хўжалиги ютуқлари виставкасининг бронза медали, Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланган. У доим изланишда. У яратган либосларда даврмиз, бахтимиз ўз ифодасини топаяпти.

Р. ШОМАНСУРОВА.

ФАН ВА ТЕХНИКА ЯНГИЛИКЛАРИ

ҲАЙВОНЛАР ХОТИРАСИ

Кейинги пайтларда кўп олимлар ҳайвонлар хотираси икки хил [«узоқ муддатли» ва «қисқа муддатли»] бўлади деб фикр юритишмоқда. Олтин балиқчалар устида олиб борилган тажрибалар бу нарсани яққол кўрсатди. Совет биохимик олими профессор Б. Агранов олтин балиқчаларда шартли рефлексларнинг пайдо бўлишини текшириб кўриш учун уюштирилган «дарс»лари пайтида балиқчаларга пуромицин моддасини (пуромицин одам учун заҳарли бўлган антибиотик ҳисобланади) берди. Бу ҳолатда балиқчалар уч кундан сўнг одатларини йўқотган. Антибиотик қўшилмаган тақдирда эса балиқчалардаги шартли рефлекслар уч ой мобайнида сақланиб қолган. «Дарс»дан кейин балиқчаларнинг организмига антибиотик берилганда ҳам шундай ҳолат қайтарилган. Бироқ бир соатдан сўнг қўшилган антибиотик балиқчаларнинг қисқа муддатли» хотирасига таъсир этмаган. Ана шуларга асосланиб олимлар қуйидаги хулосага келишади. Олтин балиқчалар информацияларни «дарс»дан ярим соат кейин ўз хотираларига жойлаштирар экан. Маълумки, пуромицин янги ҳужайраларни вужудга келтирадиган протеин кислоталарининг синтезига тўсқинлик қилади. Демак, антибиотик «узоқ муддатли» хотиранинг йўқотар экан, бунда янги ҳужайраларни ҳосил қиладиган химиявий процесс юз беради. «Қисқа муддатли» хотира эса биоэлектрик ҳодисалар жумласига киради.

ТИШЛАР УЧУН СОВУТГИЧ

Учлари бир-бирига пайванд қилинган иккита ҳар хил металл пластинкаларидан ташкил топган симдан ток ўтказилганда, симнинг бир учи қизиса, иккинчи учи эса совийди. Бу ҳодиса 1834 йилда Пельтье томонидан кашф этилган бўлиб, унинг номи билан Пельтье эффекти деб юритилади. У пайтда Пельтье ушбу кашфиётини келгусида тиш врачлари ишлатади деб ўйламаган ҳам эди. Ленинграддаги ярим ўтказгичлар институтида профессор Иоффе раҳбарлигида янги совутгич яратилди. Бу совутгичда Пельтье эффекти асос қилиб олинади. Ушбу совутгичлар фақат кичик юзаларни совута олиш қобилиятига эга. Бу нарса айниқса тиш врачларига жуда қўл келди. Кўчириб қўйилган тишларнинг озиқланишини камайтириш учун уларни бир неча сутка мобайнида совутиб туриш керак. Бу ўта кичкина совутгичларни тишларга маҳкамлаб қўйилади. Совутгичларни энергия билан кичкина батареялар таъминлаб туради.

К. АХМЕРОВ,
З. САЛИМОВ,
инженерлар.

«БАХТЛИ КИШИЛАР СОАТГА ҚАРАШМАЙДИ...»

Кутаиси аҳолиси бу гапни тўғри демаса керак. Ҳатто энг бахтли кишилар ҳам шаҳарнинг марказида ўрнатилган нодир соатга доимо қараб туришади. Соатнинг бўйи супасидан ташқари икки ярим метр келади. Маҳаллий конструкторлар яратган соат вақтни, ҳатто ва ҳафта кунини, ой ва ҳатто ҳавонинг температурасини кўрсатиб туради. Бундан ташқари, бу соат ҳар соатда композитор Реваз Лагидзенинг Кутаиси ҳақидаги машҳур куйини ижро қилади.

М. ГАБРИАДЗЕ.

Кутаиси.

МИКРОБЛАР «ҲАВОДАН ОЗИҚЛАНАДИ»

Ишлаб чиқариш сиғимларини катталаштирмаган ҳолда, паррандаларга бериладиган ачитқи етиштиришни қарийб тўртдан бир ҳисса ошириш мумкин. Бутуниттифоқ ўсимлик материалларини гидролиз қилиш илмий-тадқиқот институтининг («ВНИИГИДРОЛИЗ») олимлари мана шуни исбот қилишди. Улар ишлаб чиқиш оқсилли ачитқилар олиш технологиясида микроорганизмларни ҳаво билан таъминлаш янги системаси қўлланилган. Чунончи, бунда ачитқи бир аппаратнинг ўзида «кўпчийди» ва тўла концентрацияланиш процессини ўтади.

Янги метод муваффақиятли синаб кўрилди, деб хабар беради ТАСС мухбири Ленинграддан. Бу методни йилига 50—100 минг тонна ачитқи чиқаришга мўлжалланган заводларда жорий қилиш кўзда тутилган. Ленинграддаги «ГИПРОБИОСИНТЕЗ» институтида шундай корхоналар лойиҳалана бошлади. Булар паррандачилик учун узлуксиз оқсилли озуқа чиқарувчи фермалар бўлади.

(ТАСС мухбири).

Ленинград.

УЛКАН ЦЕХ

«Укргипромез» институти қалин пўлат тахта ишлаб чиқараднган улкан цех лойиҳасини ишлаб берди. Бу цех «Азовсталь» заводида қурилиши мўлжалланмоқда.

Цехнинг асосий корпуси 26 гектар майдонни ишгол қиладн. Темирбетон ва ойнадан ишланадиган бинода «3600» прокат стани жойлаштирилади. Бу стан бир километрдан знёд чўзилиб кетади. Бу станга туширилган 17 тонна оғирлиқдаги сляблар қалинлиги 5 миллиметрдан 50 миллиметрга бораднган пўлат тахталарга айлантирилади. Машинасозлиқда ишлатилувчи 200 миллиметргача бўлган қалинлиқдаги пўлат листалар ҳам ана шу станда ишлаб чиқарилади.

Баҳайбат агрегатни ҳаракатга келтириш учун бу ерга ўрнатиладиган кучли электр двигателларга Днепрдаги Каховка гидростанцияси ҳосил қиладиган электр энергиясининг ярми талаб қилинади.

А. РАГИНСКИЙ.
(ТАСС мухбири)

Днепропетровск.

Реклама ва Эълонлар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ КАНИКУЛ КУНЛАРИДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 10.35—**Эшиттиришлар программаси**, 11.00—**Корбобожон—Корбобо** (кичкинтойлар учун), 11.30—**Олтин балитча** (бадиий фильм).

13.00 дан—**Москва кўрсатади.**

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

17.55—**Эшиттиришлар программаси**, 18.00—**Телеэнгиликлар** (рус тилида).

Ўзбек тилида: 18.10—**Гулхан атрофида** (мактаб ўқувчиларн учун), **телеинсценировка**), 18.35—**Телефильм**, 18.55—**Концерт**, 19.40—**Телеэнгиликлар**, 19.55—**Эшиттиришлар программаси.**

20.00 дан—**Москва кўрсатади.**

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

Рус тилида: 17.55—**Эшиттиришлар программаси**, 18.00—**Мультфильм** (болалар учун), 18.40—**Кувноқ най** (фильм), 19.00—**Эстрада концерти.**

Ўзбек тилида: 19.40—**Гулчехралар** (шеърият мухлисларига), 20.00—**Отлиқлар** (илмий-оммабоп фильм), 20.20—**Бирма ташнил топган кунинг 20 йиллигига бағишланган эшиттириш**, 20.40—**Концерт**, 21.30—**Бадиий фильм.**

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 20.00—**Ун беш ёшли капитан** (бадиий фильм), 21.20—**КВН** (ТАШМИ—ТЭИС).

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРДА—2/I да **Лайли ва Мажнун**, 3/I да кундуз **Этик кийган мушук**, кечқурун **Борис Годунов**, 4/I да кундуз **Кирқ қиз**, кечқурун **Риголетто.**

ҲАМЗА НОМЛИ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА 2/I ка кундуз **Вероникалик икки йигит**, кечқурун **Мудҳиш айбнома**, 3/I да кундуз **Кутлуғ қон**, кечқурун **Аяжонларим**, 4/I да кундуз **Вероникалик икки йигит**, кечқурун **Ўғирланган умр.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА—3/I да кундуз **Қалам қошлигим**, кечқурун **Махтумқули**, 4/I да **Икки билагузук.**

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА — **Хоразм ансамблининг концертлари.**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА—Байрам томошалари. **Цирқда арча.** Программада: «**Майдонда москваликлар**»—**Совет цирки усталари. Радио-механик одам**—«**РОБОТ**» **иштирокида Совет Иттифоқида янгаю-ягона электрон-иллюзион аттракцион. Корбобо, Қорқиз, Бўрон, Сариқ масҳарабоз ва қизиқчи иштирокида болалар учун «Қуёш қуёнча» эртаги.** 10 январгача уч марта томоша кўрсатилади. Кундуз соат 12, 3 ва кеч 7 ярмда. Билетлар сотилмоқда.

КИНО

Билагузун икки—НАВОИЙ номли, «**ЎЗБЕКИСТОН**» (кундуз ва кечқурун).

Аловуддиннинг сеҳрли лампаси—НАВОИЙ номли (эрталаб соат 10 да), «**МОСКВА**» (эрталаб 10 ва кундуз 2 да).

Буланка пансиони—«**МОСКВА**» (кундуз ва кечқурун).

Бу телба дунё—«**ЧАЙКА**» (кундуз ва кечқурун).

«ШАРҚ» МАИШИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ КОМБИНАТИГА аҳолига ҳар-хил хизмат кўрсатиш: совгалар етказиш, уйларда болаларга қараб туриш, подъезд ва хоналарни йиғиштириш, қариялар ва касалларга қарашиб туриш бўйича аёллар, студентлар, шунингдек пенсионерлар: мактабгача ёшдаги болаларни чет тилига ўқитиш учун ўқитувчилар, ва методистлар (инглиз, испан, немис тиллари), машинистка (ишбайга) буюртма қабул қилувчилар, уборшчицалар, энагалар

КЕРАК

Қариганлиги туфайли пенсия оладиганларга пенсиялари тўлиқ ҳолда тўланади.

Меҳнат ҳақи келишилган ҳолда тўланади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Фигельский кўчаси, 9-уй. Телефон Е-6-29-76.

Гражданлар диққатига!

«ШАРҚ» МАИШИЙ КОМБИНАТИ сунъий гуллар ва гул муляжлар (мева ва сабзавотлар), шунингдек таъзия гулчамбарларига буюртмалар қабул қилади

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Фигельский кўчаси, 9-уй (3, 16-автобусларнинг «Воровский», 5, 7, 12, 26-автобусларнинг «Вино заводи» тўхташ жойлари), телефон Е-6-29-76.

Редактор А. ИСМОИЛОВ

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА») — Орган Ташкентского обкома КП Узбекистана, областного Совета депутатов трудящихся.

Бизнинг адрес: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26 уй

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Редактор — 35212, Редактор ўринбосарлари — 35885, 31232, Масъул секретарь — 34808, Пропаганда, адабиёт ва санъат бўлимлари — 31936, Саноат, транспорт ва қурилиш бўлими — 33786, Партия турмуши, Ахборот ва спорт бўлимлари — 35811, Қишлоқ хўжалиги, фан, мактаб ва олий ўқув юртлари бўлимлари — 39050, Совет қурилиши, маиший хизмат ва шаҳар хўжалиги бўлими — 38761, Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 34048, Эълонлар бўлими — 38142, Коммутатор—30249 дан 30258 гача.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри.

Р. 02102. ИНДЕКС — 64697. № Б—1770.